

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-80
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Умурзақова	
Туркистонда ягона қишлоқ хўжалиги солиғининг жорий этилиши: муаммолар ва ечим	167
Ҳ.Жўраев, Х.Мадазимов	
Образли ибтидоий тасаввурлардаги муштарак жиҳатлар	170
М.Юсупова	
Ўзбек шеъриятида Навоий образи	172
Ю.Каримова	
“Лисонут-тайр” достонида фольклор аънаналари	175
М.Омонова	
Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” тарихий романида аънавий мотив ва тимсолларнинг ўрни	179
Ҳ.Раҳматжонова	
Сатирада ижтимоий руҳ ифодаси	182
Ш.Каримова	
Девин Девис – шарқ адабиёти тадқиқотчиси	184
С.Олимжонов	
Роман поэтикаси ҳақида баъзи қарашлар (Улуғбек Ҳамдам ва Эрих Мария Ремарк романлари мисолида)	187
Д.Юлдашева	
Болалар шеърий матнларида мазмуний перцепциянинг ифодаланиши	191
Н.Умарова	
Навоий қўллаган рўмол тушунчали сўзлар этимони	194
И.Хабибжонов	
Форс-тожик тилидан ўзлаштирилган солиқ-божхона терминлари	197
А.Зинатуллина	
Ўзбек ва француз тилларидаги мураккаб гаплар ва уларнинг хусусиятлари	200
Н.Сабирова	
Социоллингвистик тадқиқотлар ва уларнинг ривожланиш босқичлари	203
Д.Газиёва, М.Қўшматова	
Иборашунослик нуқтаи назаридан маданиятлараро ўзаро тушуниш хусусида	208
И.Деҳқонов	
Француз, ўзбек ва рус тилларида содда нутқнинг қиёсий таҳлили: таржимада лексик эквивалент топиш муаммоси	212
Д.Махаметова	
Хорижий тилни ўргатишда инновацион технологиялар	215
Х.Марипова	
Немис тилида фразеологик бирликларнинг миллий-маданий хусусиятлари ва уларнинг синонимларини ўзбек тилида берилиши	219
Г.Сайдалиева	
Тилшуносликда абсолют синонимларнинг ўрни	222
С.Юлдашев	
Замонавий таълим тизими ва унинг омиллари	226
Ж.Оришев	
Таълим жараёнида лойиҳали таълим усулидан фойдаланиш афзалликлари	228
Ш.Арипов	
Ўғил болаларни оилавий муносабатларга тайёрлашда мактаб, маҳалла ва ота-оналар ҳамкорлиги	232
Н.Хошимова	
Гендер тили тадқиқида фалсафий қарашлар	236
А.Мухиддинов	
Тилнинг семантик майдонини когнитив тилшунослик доирасида талқин этилиши	239
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
ИЛМГА БАХШИДА УМР	243

“ЛИСОНУТ-ТАЙР” ДОСТОНИДА ФОЛЬКЛОР АНЪАНАЛАРИ
ФОЛЬКЛОРНЫЕ ТРАДИЦИИ В ПОЭМЕ «ЛИСОНУТ-ТАЙР»
FOLKLORE TRADITIONS IN EPIC “LISONUT-TAYR”

Каримова Юлдуз Бахтиёровна¹

¹Каримова Юлдуз Бахтиёровна

– ФарДУ адабиётшунослик магистранти.

Аннотация

Мақолада Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” достонидаги халқ оғзаки ижодида оид иборалар, мақоллар, афсона ва ривоятлар таҳлил қилинган. Достонда келтирилган шеърӣ байтлар мазмуни шарҳланган. Мажозий образлардаги халқона услуб Шарқ адабиёти анъанасига кўра ёритилган.

Аннотация

В статье анализируются фразы, пословицы, легенды и мифы, связанные с фольклором в эпосе Алишера Навоий «Лисонут тайр». Интерпретируется содержание цитируемых в эпосе стихов. Национальный стиль в фигуративных образах освещается согласно традиции Восточной литературы.

Annotation

This article analyzes the phrases, proverbs, legends and myths related to folklore in Alisher Navoi's epic “Lisonut-tayr”. The content of the poetic verses quoted in the epic is explained. The national style of figurative imagery is based on the tradition of oriental literature.

Таянч сўз ва иборалар: мақол, халқ оғзаки поэтик ижоди, характер, қолипловчи ҳикоялар, мажоз, аллегория, ғоявий мазмун.

Ключевые слова и выражения: пословица, устное народное поэтическое творчество, характер, стереотипы, метафора, аллегория, идейной содержание.

Key words and expressions: proverb, folklore, character, stereotypes, metaphors, allegories, ideological content.

“Лисонут-тайр” Алишер Навоийнинг энг сўнги достони бўлиб, у реал мавжудот ва илоҳиёт, инсон, табиат каби ғоят мураккаб масалаларни бадий акс эттирган. Навоий бу асарда ўз қарашларини қушлар тили, уларнинг хатти-ҳаракатлари ва саргузаштлари орқали аллегорик тарзда, яъни мажозий усулда баён қилган.

Аллегория- (юнунча аллос-ўзгача, агореуо-гапираман) 1) мавҳум тушунча ёки ҳодисани конкрет нарса орқали ифодалашга асосланган кўчим тури. Бу ҳолда конкрет нарсани ифодаловчи сўз мавҳум тушунчани ифодалаш учун кўчма маънода қўлланади. 2) образлилик типи. Аллегорик образнинг тасвир плани билан мазмун плани бир-бирига мос келмайди. Яъни аллегорик образда тасвирланаётган нарса ўзини эмас, муаллиф кўзда тутган маънони ифодалайди [1,24].

Навоий “Лисонут-тайр” достонида ҳам халқ ижодиётидан илҳомланади, халқ асарларининг сюжети, услуби, халқ таъбирлари, юмори ва бошқалардан ижодий фойдаланади. “Лисонут-тайр”да жами 63 та ҳикоя бор. Буларнинг баъзиларида тарихий ёки афсонавий шайхлар ва авлиёларнинг

саргузашти ҳикоя қилинади. (масалан, Нажмиддин Кубро, Шайх Санон ҳикоялари).

“Лисонут-тайр”да реал ҳаёт масалаларини, турли хил кишиларни, уларнинг фаолияти ва феъл-атворини тасвир этувчи ҳикоялар ҳам бор. Уларда Навоий бадбинлик ва таркидунёчиликни, айёрлик ва фирибгарликни, таъмагирлик ва текинхўрликни, нодонлик ва жоҳилликни, хуллас, яшаган муҳитининг бир қатор иллатларини аччиқ танқид қилади, тасвирларда сатира ва юмордан фойдаланади. Гўзал подшо, ахлоқсиз ва хаёлпараст қаландар, қаллоб заргар, укувсиз боғбон, тўймас полвон ва бошқалар ҳақидаги ҳикоялар шулар жумласидандир. Навоий бу ҳикоялари билан кичик эпик жанрда ҳам катта бадий маҳорат қозонади. Унинг кўпчилик ҳикоялари сюжет ва композицияси, конфликти ва ечими, юмористик услуби билан халқ ҳикояларига ўхшаб кетади. Муаллиф ўз достонини қуйидагича изоҳлайди:

Одат этдим ул ҳикоятлар била,
Қуш мақолидин киноятлар била...

Навоийнинг ҳикоялари каби унинг масаллари ҳам бевосита халқ ижодиёти билан

боғланади. “Ҳайратул-аброр”даги “Шер билан Дуррож” масали, “Садди Искандарий”даги “Кабутар ҳикояси” масали ва бошқалар. “Лисонут-тайр” масаллари сюжети ва композицияси, образлари ва услуби жиҳатидан халқ ижодиётига, халқ масалларига монанддир.[2,198] Масалан: дostonда Товус Ҳудхудга ўз узрини айтади. “Агар жилва айлаб, ранг-баранг қанотларимни ёзсам, гўё бошдан оёқ Искандар оинаси намоён бўлгандек бўлади.”

Жилва айлар чоғда хуллам зевари,
Сар-басар оинаи Искандари[3,56]

Товус эртақларда ҳамиша қанотлари билан гўзаллик тимсоли бўлган. Муаллиф товуснинг хиромонини Искандар оинасига тенглаштирмақда. Искандар оинаси афсонага кўра жаҳонда содир бўлаётган нарсаларни кўрсатади. Бу, халқ орасида кенг тарқалган бир неча эртақ ва дostonларда учрайди.

Навоий халқ ҳикояларининг сюжети ва композициясидан, образлари ва бадиий услубидан ижодий фойдаланади ҳамда халқ ижодиётига, халқ ҳикоячилигига хос бир қатор хусусиятларни сақлаб қолади. Халқ ҳикояларидан ижодий фойдаланиш тажрибаси ва аънаналари Навоийдан кейинги ёзувчилар учун, хусусан, машҳур ўзбек ҳикоянависи Хожа ва Буюк масалчи Гулханий учун бир катта мактаб бўлди.

“Лисонут-тайр” дostonининг тили Навоийнинг бошқа дostonлари, шеърӣ асарлари тилига нисбатан анчагина содда ва равондир. Асардаги мураккаб фалсафӣ мазмун, мажозӣ воситаларнинг кенг қўлланганлиги тил ва услубнинг енгил, ўйноқи, жонли ҳам тушунарли бўлишини тақозо қилган. Навоийнинг халқ оғзаки ижоди, ундаги сюжетлар, ҳикматли сўзлар, таъбирлар, ҳазил-мутойибалардан унумли фойдаланиши ҳам шу билан изоҳланади. Масалан:

Сизга шоҳе бор бешибҳу мисол,
Васфини айтурда юз минг нутқ лол.

Яъни, ...сиз учун оламда тенги ва ўхшаши йўқ бир шоҳ борки, унинг васфини айтишга юз минг тил ожизлик қилади. Ушбу байтда юз минг тил ожиз сўзи қўлланган. Халқимизда тилим лол, таърифга тил ожиз каби иборалар бугунги кунда ҳам кенг истеъмолда ишлатилади. Шундай иборалардан яна бири:

Бу таабдин ҳар бири кўнглида тоб,
Ним бисмил кушдек айлаб изтироб.

Мазмуни: (Бу ҳодиса улар қалбида оғир из қолдирди. Улар чала сўйилган куш каби изтироб чека бошладилар). Чала сўйилган куш ибораси халқ орасида фаол қўлланилади. Яъни чала сўйилган куш жон талвасасида

қанчалик тўлғонса, улар ҳам бу қийинчиликлардан, шу ҳолатга тушмоқда эдилар. Қушларда нодонлик ғолиб келиб, нафси йўлдан ура бошлайди. Аммо Ҳудхуд уларнинг ҳар бирига муносиб жавоб беради:

Ўртаниб ўз шуълаи хирмонидин,
Дуд чиқти ҳар бирининг жонидин.
Ёқин эрди ўчоли шамъи ҳаёт,
Ҳар бирига баски юзланди уёт.[3,50]

Мазмуни: (Бундан уларнинг вужуди куйиб-ўртанди, ҳар бирининг жонидан аламли дуд чиқиб кетди. Ҳар бири чексиз уятга қолиб, ўз ҳаёт шамларини ўчириш даражасига етдилар). Алишер Навоийнинг “Лисонут-тайр” дostonидаги ушбу байт халқ орасидаги “аламли дуди чиқди”, “ҳаёт шами ўчди” маъноларига тўғри келади. Халқ орасида эса кенг фойдаланиладиган: “Уят – ўлимдан қаттиқ”[4,164] мақолига маънодош бўла олади.

Ҳар киши эрмен дебон эрму бўлур,
Келмас ишин илкидин дерму бўлур.

Мазмуни: (Ҳар бир киши ўзини эр дегани билан эр бўлаверадими?! Қўлидан келмайдиган ишни бажараман дея оладими?).[5,46] Қадимдан йигитларнинг баҳодирликлари ҳақида халқ орасида мақол, маталлар кўп ишлатилган. “Ўзбек халқ мақоллари” китобида “Йигит деган эр бўлар, меҳнат кўрса шер бўлар” қабалида мақол келтирилган. Бу мақол юқоридаги байт учун вариантдош ҳисобланади.

Дostonда қушлар сиймосида одамлар, Ҳудхуд сиймосида пири муршид, Симурғ сиймосида Оллоҳ назарда тутилган. Ушбу фикрларни мажозӣ усулда ифодалаш ҳам замон, ҳам тафаккур талаби эди. Шунинг учун дostonнинг сюжети мажозӣ бўлгани каби персонажлар ҳам мажозӣдир. Ҳудхуд шайх, муршид, қолган қушлар мурид ва толиблардир. Худони излашга умр сарфлайдиган дарвешлар етти риёзат босқичидан ўтадилар. Ҳудхуд бу йўлда уларга раҳнамолик қиларкан, айтганларини даллилаш мақсадида ҳикоят айтади. Товус, кабутар, булбул учун ҳикоятлар келтиради. Аслида қушлар тимсоли орқали инсонда мавжуд бўлган кўплаб иллатлар – ўз гўзаллигидан фахрланиш, мол-у дунёга ҳирс қўйиш, сохта ошиқлик, иродасизлик, макр ва ҳийла, вафосизлик, манманлик қаттиқ қораланади, улардан қутулиш чоралари баён қилинади ҳамда далил сифатида ҳикоятлар келтирилади. Ҳудхуднинг қушлар ҳақида чиқарган ибратли хулосалари:

Т/р	Қуш номи	Худхуднинг хулосаси	Ҳикоят
1	Тўти	Ҳақиқий кўзгу шу нарсаки, у юз бало машаққатига чидаб, замиринг лавҳига жило бера олсин!	Яшил чакмон ташлаб, Хизрга ўхшаб кийиниб олган, нафсига қарам ғофил ҳақида ҳикоят
2	Товус	Кимки, ташқи гўзалликдан фаҳр этар экан, уни одам қаторига қўшиб бўлмайди! Ноз ва хусн фақат дилбар қизларгагина ярашади. Эр киши эса дард ва машаққат чекиши билан яхшидир.	Масхарабоз ҳинду ҳақида ҳикоят. Охири баданини яланғочлаб, дарра билан савалашади.
3	Булбул	Вақтинчалик ҳавасни ишқ деб, ғавғо солма. Шундай нарсани маъшуқ деб билки, у ҳеч қачон хастаҳол бўлиб ётмасин, унга ҳеч қачон завола юзланмасин.	Шоҳга ошиқ бўлган гадонинг сохта муҳаббати ҳақидаги ҳикоят
4	Қумри	Ғафлатга ботиб, бу хил ҳаром ўлиб кетгандан кўра ўзингни айрилиқ шуъласи билан ўртаб, ҳақиқий эрлар каби асл мақсадни иста!	Бир ўқувсиз боғбон ҳикояти
5	Кабутар	Тангри бутун коинотни учиб ўтгудек қанот ҳадя этса-да, тамагирлик билан кишилар томидан кетмайсан.	Ишёқмас, танбал киши одамлардан калтак ейиш ҳисобига қорин тўйдириши ҳақидаги ҳикоят
6	Кабки дарий (каклик)	Маънавий гавҳар ҳақида номуносиб сўзлар айтиб, ёлғон сўзлар билан муттаҳамлик қилма, ўз сўзларинг асл зотинг пастлигини, бемаъни ва бадбахтлигингни кўрсатади.	Қаллоб заргар ҳикояти
7	Тазарв	Ер киши ҳиммат билангина эр саналади, зийнат билан фахрланувчи эр – эр эмас. Эрнинг ҳақиқий гўзаллиги унинг яхши феъл-атворидир. Бундай кишилар учун янги зарбоф эски шол билан баб-баравар туради.	Мудбир ва Муқбил ҳикояти
8	Қарчиғай	Қушчи берганига қаноат ҳосил қилиб, аянчли умр кечирасан. Сенда нодонлик ғолиб келиб, нафсинг сени алжирашга мойил қилиб қўйган.	Тоғда овчи қўлига тушган айиқ ҳикояти
9	Шунқор	Номлар орасида “султон” ва “шоҳ” тушунчалари кенг тарқалган, уларни ҳатто паст, тубан кишилар ҳам ўзларига нисбатан қўллайдилар. Аммо ҳар бир киши ўзини эр дегани билан эр бўлавермайди.	Шоҳ базмида ўзини бўйра шоҳи, деб атаган масхарабоз ҳикояти
10	Бургут	Ўз ширин жонидан кечиб, бу йўлга кирган кишинигина ҳақиқий паҳлавон ва қахрамон деса бўлади.	Еб-тўймас паҳлавон ҳикояти

Худхуд ҳикояларидан бирида “Хуснини намоиш қилишга кўзгуни восита қилган шоҳ ҳикояти” бор. Кўзгу қадимдан жоду акс этадиган буюм сифатида халқ эртақларида машҳур. Муаллиф шу деталь орқали ҳикояни янада жонлантиради. Ҳикояда жуда гўзал бир подшоҳ бўлиб, унинг хуснини кўрган фуқаролар жон таслим қилади. Халқ унинг қатлидан беҳад қирилади. Шунда подшоҳнинг ҳукми билан бир кўзгу ясаб, тахт олдида ўрнатадилар. Халқ ҳам, подшоҳ ҳам шу кўзгу орқали ўз хуснидан баҳраманд бўлади. Ҳикоя сўнгида: “Кўзгу қанчалик равшан бўлса, акс шунчалик бенуқсон бўлади”, деган хулоса келиб чиқади.

Яна шундай ҳикоятлардан бири халқ орасида кенг тарқалган хасис бой ҳикоятидир.

Бу мавзу дoston ҳикояларида ҳам муносиб ўрин олган. Масалан: Басра шаҳрида яшовчи бир хасис киши умри давомиде олтин, кумуш тўплайди. Тўплаган бойликларини тўнига гир айлантриб тикиб олади. Қўлини ювиш учун дарё лабига борганда, тўни оғирлик қилиб уни дарёга тортиб кетади. Худхуд хулосаси: “Сен бундай жирканч ишлардан қўлингни торт! Уларга зинҳор майл кўрсатма, чунки бу фано денгизи – дунё доимо даҳшатли тўлқин ичидадир”.

Бу дoston мазмуни деярли бутун ҳаёти давомиде Навоий фикрини банд этиб келган. Чунки у болалик чоғларида машҳур форс файласуф шоири Фариддин Атторнинг “Мантикут-тайр” номли асарига мафтун бўлиб, ҳатто уни ёдлаб ҳам олади. “Лисонут-тайр”

достонининг ғоят қисқача сюжети куйидагичадир: ҳар хил қушлар бир гулистонда мажлис қуриш учун йиғиладилар. Лекин ҳар бир қуш муносиб ўрин ололмагани туфайли можаро кўтарилади. Бундай адолатсизликни бартараф этиш учун уларда бир одил ва доно бошлиққа эҳтиёж пайдо бўлади. Худҳуд (пўпишак) Симурғ деган қуш борлигини айтиб, унинг афсонавий таърифини беради. Лекин Худҳуд Симурғга етишиш ғоят мушкуллигини тушунтириб, бу йўлда азобу уқубатлар чекиш муқаррарлигини уқтириб ўтади. Ҳамма қушларда Симурғга катта ҳавас уйғонади. Қушлар уни излашга аҳд қиладилар ва бу йўлда раҳбар бўлишликни Худҳуддан илтижо қиладилар. У рози бўлади ва ўз навбатида Тўти, Товус, Булбул Қумри, Каклик, Тазарв, Дуррож, Кабутар, Шоҳбоз, Шунқор каби қушларга мурожаат қилиб, йўлга отланишга даъват этади. Қушлар йўлга равона бўладилар. Лекин кўп ўтмай улар толиқадилар, йўл машаққатидан ғам ва алам чекиб, Худҳудга узрхоҳлик билдира бошлайдилар. Тўти гарчи қафасда эса-да, гўзаллар қўлидан шакар-қанд еб, қаттиқчилик кўрмай яшаб келардим, деса, Товус ўзининг оламдаги энг гўзал қушлардан эканлигини айтади.

Худҳуд эса қушларнинг барча узрларига жавоб қилади ва ўз фикрларини далиллаш учун қатор ҳикоятлар келтиради. Қушларнинг, Симурғга қандай қилиб етишиш мумкин, - маъносидаги саволларига Худҳуд: “Бу ишқ йўлидир, бинобарин, бу йўлда жондан ҳам, имондан ҳам кечишга тайёр туриш вожибдур”, дея жавоб қилади. Худҳуд худди шу сўзларнинг далилига машҳур Шайх Санон ҳикоятини келтиради. Худҳуд Симурғнинг янада муфассал таърифини беради. Даврадаги қушларда Симурғга бўлган иштиёқ янада ортади. Қушлар бу йўлда раҳбар бўлиши зарурлигини эътироф этиб, яна Худҳудга юзланадилар. У рози бўлмайди. Шунда барчага қуръа ташлайдилар. Қуръа Худҳуд номига чиқади. Энди қушлар биринкетин ўз мақсадлари йўлида сийрат ва

суратларидан келиб чиқиб саволлар бера бошлайдилар. Бир қушнинг асл манзилга қачон етиб борамиз деган саволига Худҳуд, олдинда етти манзил бор, деб жавоб қилади ва ҳар водийни бирма-бир таърифлаб беради. Ниҳоят, қушлар олти водийдан жуда кўп азобу уқубатлар чекиб ўтадилар. Уларнинг кўплари ҳалок бўладилар, кўплари эса бедарак йўқолиб кетадилар. Ниҳоят, қушлар охириги – еттинчи водийга кириб келадилар, қарасалар улар ахтарган Симурғ ўзлари – ўттиз қуш бўлиб чиқади.

Асардаги қолипловчи ҳикоятларда инсонлар тасвирланади. Аммо асарнинг бош қаҳрамонлари қушлардир. Навоий қушларда инсонга хос фазилат ҳамда қусурларни ўзига хос услубда босқичма-босқич ёритиб боради. Масалан: Бургут паҳлавон, аммо бесабр, Товус ўзига бино қўйган зот, Қумри ўз заифлиги ва ожизлигидан қийин йўлга чиқишни истамайди.

Алишер Навоий вафо ва садоқат борасида қушларни мунозарага киритар экан, инсоннинг бош фазилати сифатида уларни юксак баҳолайди. Агар одамда вафо бўлмаса, бу, шахс фожиасидир.

Одами бўлса вафо андин йироқ,
Ит вафо бобида андин яхшироқ.

Навоий бу асар билан мажоз усулидан фойдаланиб, мажозий қаҳрамон, персонажлар савол-жавоблари, хатти-ҳаракат ва интилишлари орқали бутун олам, худо улардан ташқарида эмас, балки уларнинг ўзида мавжуддир, коинот – мирот ва унда зухур этган тамоми борлиқ худонинг инъикоси. Асарнинг муқаддимасидаёқ шоир худо тазоҳирларидан бири бўлган инсонни илоҳийлаштиради, уни оламнинг яралишидаги бош мақсад сифатида талқин қилади. Буюк ижодкор Алишер Навоийнинг ҳам асл мақсади инсон камолотидир. Адабиёт инсоният маънавияти ва камолотига хизмат қилади. Бадиий асарларда мажозий образлар бош қаҳрамон сифатида талқин этилса-да, улардан кўзланган мақсад инсонийлик ва яхшиликдир.

Адабиётлар:

1. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Akademnashr, 2013.
2. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974.
3. Алишер Навоий. Лисонут - тайр. – Т.: Фафур Фулом номидаги Нашриёт - матбаа бирлашмаси, 1991.
4. O'zbek xIQ maqollari. – Т.: “Sharq” nashriyot-matbaa. – 2005.
5. Madayev O. Sobitova T. Xalq og'zaki poetik ijodi. – Т.: “Sharq” nashriyot-matbaa. 2010.
6. Botir Valixo'jayev. O'zbek adabiyotshunosligi tarixi. X-XIX asrlar, -Т.:“O'zbekiston”, 1993
7. Hotam Umurov. Adabiyotshunoslik nazariyasi. –Т.: A. Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004.
8. www.Ziyonet.uz.

(Тақризчи: А.Сабирдинов – филология фанлари доктори).